



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 01 | pp. 152-158 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ



Мавлонов Озод Улуғбекович

Тошкент халқаро университети мустақил тадқиқотчи

Ozodmavlonov5@gmail.com

ОПСИД:0009-0009-7463-3795

Абстракт. Ушбу мақолада электр энергия тармоғи корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлил ҳамда ушбу таҳлилга асосан илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган. Таҳлил учун ягона етказиб берувчи “Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг молиявий иқтисодий ҳолати таҳлил қилинган ҳамда хулосалар берилган.

Калит сўзлари. Электр энергия, тўлов қобилияти, соф фойда, рентабеллик, давлат иштирокидаги корхоналар.

Кириш. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда энергетика соҳасидаги ислоҳатларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ривожланиш ва урбанизация жараёнлари жадал ривожланиши электр, газ, сув ва бошқа энергияларга талаб ошиб бормоқда. сўнги 5 йилда Ўзбекистонда электр энергиясига ортиб бораётган талабни қоплаш, аҳоли, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини электр энергияси билан барқарор таъминлаш мақсадида давлат – хусусий шериклик тамойиллари асосида янги иссиқлик электр станцияларини қуриш бўйича хорижий компаниялар билан жами 12 та битим имзоланганини Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги маълум қилган. Ушбу битимларга асосан, 2027 йил якунига қадар Ўзбекистонда умумий қуввати 7 057 МВтга тенг бўлган 12 та замонавий иссиқлик электр станциялари ишга туширилиши режалаштирилган.

Рақамлаштириш ҳамда қайта тикланувчи яшил энергиянинг қўллаб-қувватлаш ўз навбатида харажатларни оптималлаштириш ҳамда зарур эҳтиёжларни қоплаш мақсад қилинган. Ушбу амалга оширилаётган чоратадбирларнинг асосий мақсади сифатида мамлакат иқтисодиётини барқарор даражада ўстириш ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барқарор даражадаги ўсиши корхоналарнинг барқарор ривожланиши учун имконият яратилади. Ҳамда энергетика ва асосий товарлар ва хизматларни тақдим қилувчи корхоналарда давлат иштирокини кўришимиз мумкин. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати хусусий сектордаги корхоналар кўрсаткичларидан фарқ қилади. Мақоланинг асосий қисмини Ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг молиявий иқтисодий ҳолати таҳлил қилинади.

Адабиётлар шарҳи. Мамлакатимизда иссиқлик энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кегайтириш ҳамда соҳани янада ривожлантириш учун

рағбатлантирувчи ташкилий-иқтисодий механизмларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолашдаги мавжуд регламентида мутлоқ тўлов қобилияти акс еттирилганлиги, тезкор ва жорий ликвидлилик ҳисобга олинмаган. Бунда давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўндирилиши даргумон бўлган дебитор қарздорликларнинг ўсиши корхоналар ўртасидаги қарздорлик занжирини келтириб чиқариши таъкидлаган (Акрамов, 2020).

Электр энергияси тармоғи корхоналарнинг хизматлари тармоққа уланиш, истеъмолдан ортиқча энергияни бошқа тармоққа узатиш ва сотишни жорий қилиш, электроэнергия бозорига эркин киришни таъминлаш, энергиянинг истеъмолчилари, етказиб берувчилари ва ишлаб чиқарувчиларининг манфаатлари уйғунлигини таъминлаш, энергия истеъмол қиладиган, энергия тежайдиган ускуналар, материаллар, конструкциялар, транспорт воситалари ва энергия ресурсларини сертификациялаш ҳамда уларга имтиёзлар бериш каби чоратадбирлар уларнинг фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади (Саитқаримов, 2022). Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини самарали бошқаришни таъминлашда энергия харажатларини яхшилашнинг ташкилий-техник жиҳатларини тадқиқ қилиш муаммолари илмий соҳада кенг тарқалди.

Жумладан, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги менежмент, бухгалтерия ҳисоби, харажатларни оптималлаштириш ва тегишли инструментал таъминлаш соҳасидаги муҳим илмий ишлар аҳамиятга эга ҳисобланади. Энергия ресурсларидан тежамкор фойдаланишни таъминлаш, корхонанинг энергия самарадорлигига эришиш ва умуман олганда, яшил иқтисодиётган ўтишни амалга оширишнинг рағбатлантирувчи омилларини ўрганиш масалалари иқтисодчи олимларнинг ишларида атрофлича тушунтирилган ҳамда кенг назарий ва услубий жиҳатдан эътиборга олинмоқда. (Yang ва бошқалар, 2024; Zhang ва бошқалар, 2024; Тан ва бошқалар, 2024)

Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда бизнеснинг энергия самарадорлигини ривожлантиришга инвестиция қилинган пул ресурсларининг умумий миқдори 600 миллиард доллардан ортиқни ташкил этиб, энергия самарадорлигини 2,2 фоизга оширишда глобал тараққиётни таъминлади. Шу билан бирга, экспертлар томонидан қилинган прогнозлар 2030 йилга келиб тегишли молиявий ажратмаларнинг 1,8 триллион долларгача ошиши мумкинлигини кўрсатмоқда (IEA, 2023).

Ушбу амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг асосий мақсади электр энергияси бўйича талабни қаноатлантиришдан иборат. Шунингдек, электр энергия тармоғи корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилар ҳамда истеъмолчиларга арзон нархларда узлуксиз электр энергиясини етказиб бериш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Бунда, ушбу соҳа тармоқлар учун жалб қилинаётган инвестиция харажатлари ва уларнинг самарадорлигини ҳам таъминлаш зарурдир.

Шунингдек, маҳаллий олимлар Ахмеджонов ва Аҳмаджановларнинг тадқиқотларида, уларнинг молиявий фаолиятини барқарорлигини таъминлашда

халқаро бухгалтерия стандартларини белгилаб асосий аниқ режалаштирилган мақсад қилган (Ахмеджанов ва Аҳмаджонов, 2021).

Метадология. Мақоланинг таҳлил ва анализ учун фойдаланилган усуллар ва методлар асосан “Худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг йиллик баланс ва молиявий натижалари бўйича олинган кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Таҳлил бўйича нисбий ва мутлоқ кўрсаткичларининг йиллар бўйича ўзгаришлари таҳлили келтирилган.

Таҳлил ва натижалар. Республикамиздаги амалга оширилаётган асосий стратегик мақсадлардан бири ҳам мавжуд энергия талабини қаноатлантириш ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, мақсадли инвестиция лойиҳалари халқаро тажрибага эга Германия, Франция, Нидерландия, Япония, Қатар ва Туркия давлатларининг компаниялари томонидан умумий қиймати 4 млрд 860 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2025 – 2027 йиллар мобайнида “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан қиймати 2 млрд 214 миллион АҚШ доллари, умумий қуввати эса 2 087 МВт бўлган 4 та йирик инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши, натижада қўшимча 49,7 млрд кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, йилига қарийб 5 млрд куб метр табиий газ тежалиши назарда тутилмоқда¹.

2025 йилда Бухоро вилоятининг Пешку, Ғиждувон ва Олот туманларида умумий қуввати 1,25 ГВтга тенг бўлган 3 та қуёш ва шамол ҳамда 2030 йилгача Қорақалпоғистон Республикасида умумий қуввати 10,3 ГВтга тенг бўлган 10 та шамол электр станцияси ишга туширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сонли қарорига асосан электр энергияни яқуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи худудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида 2024 йил 01 январ ҳолатига кўра электр энергияси истеъмолчиларининг умумий сони – 8 089 339 тани ташкил қилган бўлиб, уларнинг таркибига: юридик истеъмолчилар – 433 217 та; маиший истеъмолчилар (аҳоли) – 7 656 307 кишилар киради.

Ушбу истеъмолчилар учун электр энергияси иссиқлик электр станциялари, гидроэлектрстанциялари томонидан яратилади ҳамда асосий улуш миқдори иссиқлик электр станциялари томонидан яратилган электр энергияси улушига тўғри келади.

Республика бўйича электр энергия таъминоти асосан иссиқлик электр марказлари ва станциялари орқали етказиб берилади ҳамда 2023 йилдаги жами ўрнатилган қувват 15 617.5 МВтни ташкил этган бўлса, 2022 йилга нисбатан 380 МВтга ошган. 2022 йилда ушбу кўрсаткич 15 232.5 МВтни ташкил қилган ҳамда 2021 йилга нисбатан 780 МВт ошган бўлиб, 2021 йилги энергия таъминоти 14430 МВтни

¹ <https://gov.uz/uz/minenergy/news/view/29602>.

ташқил қилган. Энергия таъминоти ўсиш тенденцияси ҳам 2022 йилда 105 фоизни ташқил этган бўлса, 2023 йилда 103 фоизни ташқил этди.

1-жадвал

Иссиқлик ва гидроэлектр станцияларининг жами ўрнатилган қуввати

Номи	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Иссиқлик электр марказлари ва иссиқлик электр станцияларининг жами ўрнатилган қуввати (МВт)	12516,4	12276,5	14031,9	14620,4	14440,3	15232,3	15617,5
Гидроэлектр станцияларининг жами ўрнатилган қуввати (МВт)	1857,5	1914,9	1907,5	2020,6	2051,9	2225,2	2381,6
Иссиқлик электр марказлари ва иссиқлик электр станцияларининг жами ўрнатилган қуввати ўсиши (%)	102%	98%	114%	104%	99%	105%	103%
Гидроэлектр станцияларининг жами ўрнатилган қуввати ўсиши (%)	99%	103%	100%	106%	102%	108%	107%

Гидроэлектр станцияларининг жами ўрнатилган қувватнинг 1/8 қисмини ташқил этади, яъни иссиқлик электр станциялари томонидан ўрнатилган қувватдан 7 баробаргача кам қувватни ташқил этмоқда. Шунингдек, гидроэлектр станцияларининг 2023 йилдаги ўрнатилган қуввати 2381 МВтни ташқил қилиб, 2022 йилга нисбатан 80 МВтга ўсган. Ўрнатилган қувват ўсиш тенденцияси эса 2023 йилда 107 физни ташқил этган бўлса, 2022 йилда 108 фоизни ташқил этган. Шунингдек, электр энергия таъминотининг аҳоли жон бошига миқдорлари таҳлили ҳам аҳамиятлидир. Фикримизча, иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқаришнинг ошиши, урбанизатсия жараёнининг жадаллашуви, ҳамда янги уж-жойларнинг қурилиши исьтемомчиларнинг сони ва исьтемом қилинадиган электр энегия миқдорининг ошишига сабаб бўлади.

2-жадвал


Аҳоли жор бошига электр энергия миқдорининг динамик ўзгариши ва ўсиш тенденциялари

Номи	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Аҳоли жон бошига электр энергия таъминоти ҳажми (миллион кВт соат)	1,9	1,9	1,9	2	2,1	2,1	2
	106%	100%	100%	105%	105%	100%	95%

Электр энергия таъминотининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори 2 Млн кВт соатни ташқил қилган бўлиб, 2022 йилда ушбу кўрсаткич 2.1 Млн кВт

соатни кўрсатган ҳамда 2021 йилга нисбатан ўзгаришсиз қолмоқда. 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 95 фоизни ташкил қилган. Амалга оширилаётган ислохотлар ва электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларда қуёш электр станциялари томонидан ва шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергия ҳажми сезиларли ўсган бўлсада, шунга қарамадан, электр энергия учун талаб ўсишда давом этмоқда. “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2023 йилда 64,0 млрд.кВт/соат (фойдали узатма) электр энергияси етказиб берилди. 2022 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,0 фоизга ошди.


Электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича масъул ташкилот “Худудий электр тармоқлари” АЖ ҳисобланади ҳамда электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб бериш ва барча истеъмолчиларга ўрнатилган тарифларда сотади ҳамда барча истеъмолчилар: 7,6 млн аҳоли, 425 мингга юридик истеъмолчилар Ишлаб чиқарилган электр энергиясини фақатгина “Худудий электр тармоқлари” АЖдан харид қилади.



1-расм. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг соф тушум ва фойдасининг динамик ўзгаришлари таҳлили (млрд.сўм).

“Худудий электр тармоқлари” АЖ 2019 йилдан бошлаб фаолиятини юритиб келмоқда ҳамда унинг молиявий иқтисодий ҳолати таҳлил қўйидагилардан иборат. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг соф тушумлари миқдори 2021 йилда 5.5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич миқдори 424.9 млрд.сўмга етган. Акциядорлик жамиятининг тушумлари миқдори 2023 йилда 29 321 млрд.сўмни ташкил этган. Соф тушумлар миқдори таҳлил қилинаётган давр учун умумий ўсиш тенденциясини кўрсатган бўлсада, соф фойда бўйича кўрсаткичлар йиллар бўйича ўзгариб турганлигини кўришимиз мумкин. Соф фойда бўйича акциядорлик жамиятининг кўрсаткичи 2019 йилда 233.6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу миқдор 34 млрд.сўмга қадар пасайган. 2021 йилда жами соф фойда миқдори 400.3 млрд.сўмни ташкил қилган, лекин 2022 йилда салбий миқдорни -56.7 млрд.сўмни ташкил етган, шунингдек, 2023 йилда ушбу салбий миқдор янада ошган бўлиб, йил якуни бўйича зарар миқдори – 1015 млрд.сўмни ташкил етган. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг молиявий

натижаларини таҳлил қилишда молиявий фаолияти билан боғлиқ харажатлар ва даромадлари кўришимиз мумкин. Бунда, асосий улушни валюта курси ўзгаришидан олинган даромадлар ва харажатлар сезиларли таъсир кўрсатган.



2-расм. Бухоро ва Фарғона ҲЭТК АЖнинг соф тушумлари ва фойдасининг динамик таҳлили.

Бундан ташқари, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси тасарруфидаги 2 та ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамиятлари мавжуд бўлиб, 51 фоизлик улушларга эгилик қилади. Бухоро ҲЭТК АЖнинг 2023 йилдаги соф тушумлари 2019 йилга нисбатан солиштирганда 3 баробарга қадар ўсган ҳамда ушбу ўсиш тенденциясини кўрсатган. Лекин акциядорлик жамиятининг соф тушумлари ўсишига нисбатан соф фойда миқдори ўзгарувчан бўлган. 2023 йилда соф тушумлари миқдори 8.4 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга нисбатан тахминан 5 баробарга камайган. Шу каби ҳолат, 2021 йилда ҳам кўзатишга эришилган ва 2020 йилга нисбатан 2 баробарга камайиб 16.4 трлн.сўмни ташкил етган. Фарғона ҲЭТК АЖнинг соф тушумлари миқдори 2023 йилда 2 541.4 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга нисбатан 600 млрд.сўмга ўсган. Лекин соф фойдаси миқдори 37 млрд. сўмни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган даврларда “Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг соф даромадлари салбий кўрсаткичлар билан яқунланган. Унинг таркибий тузулишидаги корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаси нисбатан ижобий кўрсаткичларга эга ҳисобланади. Бунда ушбу давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш лозим. Электр таъминотини яхшилар ҳамда мавжуд талабни қаноатлантириш учун зарур инвестициялар жалб қилиниши ҳамда қайта тикланувчи қуёш, шамол электр станциялари қурилишини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Натижада истеъмолчилар арзон нархдаги узлуксиз энергия таъминотига эга бўлиши мумкин. Лекин белгиланган мақсадлар учун маълум бир тўсиқлар мавжудлиги ҳамда ушбу тўсиқлар электр тармоқлари корхоналарнинг молиявий натижаларининг салбий бўлишига таъсир қилади деб ҳисоблаймиз. Асосий таъсир қилувчи омиллар сифатида молиявий ва номолиявий омилларга

ажратилиши ҳамда ушбу омилар гуруҳи бўйича амалга оширувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим ҳисобланади.

Хулоса. Худудий электр тармоқлари корхонасининг истеъмолчиларининг умумий ҳисобда 8 089 339 тани ташкил қилиб, прогнозлашда урбанизация жараёнларининг жадал ривожланиши ҳамда янги уй-жойларнинг қурилиши натижасида ўсиши прогноз қилинмоқда. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда иссиқлик ва гидроэлектр станциялари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Кейинги ислохатлар бўйича қайта тикланувчи муқобил энергиялар ҳисобидан электр энергиясини ишлаб чиқариш ривожлантирилмоқда ва улушлари миқдори ўсиш тенденцияларини кўрсатмоқда. Худудий электр тармоқлари корхонаси АЖ каби энергетика соҳаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омилар сифатида олинган бир гуруҳ факторларни 2 гуруҳга ажратиш орқали барқарор молиявий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Ушбу факторларнинг гуруҳланиши ҳамда ўрганишлар натижасида аниқ таъсир қилувчи омилар тадқиқ қилиниши назарда тутилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати.

1. Акрамов А.Б. 2020. Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий ҳисобот таҳлилининг ролини ошириш. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" IImiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil
2. Ахмеджанов К. Б ва Аҳмаджонов А. К. Электр энергетика тармоғидаги корхоналарда МҲХС асосида молиявий ҳисоботларни тузиш масалалари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, сентябр-октябрь, 2021 йил.
3. Саиткамоллов М.С. Ўзбекистон республикасида иссиқлик энергетикаси корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" (Есономисс анд Инновативе Течнологиес) илмий электрон журнали
4. Yang, Shiyu, Gao, H. Oliver, You, Fengqi.(2024). Demand flexibility and cost-saving potentials via smart building energy management: Opportunities in residential space heating across the US. *Advances in Applied Energy*, 14, 100171. <https://doi.org/10.1016/j.adapen.2024.100171>.
5. Tao, Zhang, Guozhi, Peng, Yanwei, Zhang, Shaobo, Xie, Fengqi, Zhang, Coskun, Serdar. (2024). Economicsocial-oriented energy management of plug-in hybrid electric vehicles including social cost of carbon. *Journal of Energy Storage*, 90(A), 111767. <https://doi.org/10.1016/j.est.2024.111767>.
6. Tan, L., Gao, D., Liu, X. (2024). Can Environmental Information Disclosure Improve Energy Efficiency in Manufacturing? Evidence from Chinese Enterprises. *Energies*, 17, 2342. <https://doi.org/10.3390/en17102342>.
7. <https://gov.uz/uz/minenergy/news/view/29602>.
8. <https://www.iea.org/reports/electricity-2024/executive-summary>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

